

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 19-ҳадис

19 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَسْتُرُ عَبْدٌ عَبْدًا فِي الدُّنْيَا إِلَّا سَتَرَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайхι васаллам:

«Банда бошқа бир банданинг айбини шу дунёда беркитар экан, Аллоҳ Қиёмат куни унинг айбини беркитади», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Мусулмон одам биродарлари айбини қидирмасдан, балки уларнинг айбини яширади. Ас- Саттор- Аллоҳнинг гўзал исмларидан бўлиб, У Зот бандаларининг айбларини яшириб, камчиликларини ёпувчидир дегани. Кимки мусулмонларнинг айбларини яширса, Аллоҳ Қиёмат куни одамлар олдида унинг айбини яширади, шармандалиқдан асрайди. Яшириш деганда ҳакни ва одамларнинг хуқуқларини зое қилишни тушунмаслик керак. Аллоҳга нисбатан гуноҳ қилганни айбларини фош қилиб, шарманда қилмасдан яшириш ижобий хислат, мумкин бўлган ҳолат. Аммо бандаларнинг ҳақ-хуқуқлари поймол бўладиган ҳолатда эса айбу камчиликни яширмасдан, рўйирост гапирилади.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мусулмон кимса биродарининг айбларини яшириб, одамлар олдида шарманда қилмайди.
2. Мусулмон киши биладики, бошқа мусулмоннинг айбини яширишнинг мукофоти- Аллоҳ Қиёмат кунида унинг ҳам айбини яшириши билан бўлади. Чунки мукофот ўша амалнинг жинсидан бўлади.
3. Мусулмон киши одамларнинг айбини яширади, чунки бу амални Аллоҳ севади.
4. Мусулмон киши одамларнинг айбини яширас экан, уларнинг уят нарсаларини фош қилмаслиги ундан ҳам муҳимдир.

Манба: hadis.islom.uz

